

05.01.2015 йилги 1-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
18.03.2015 йилги 86-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
29.08.2016 йилги 181-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
05.09.2017 йилги 186-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
09.01.2018 йилги 1-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
25.09.2019 йилги 220-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
03.11.2020 йилги 243-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
05.03.2021 йилги 38-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
20.04.2022 йилги 90-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
12.12.2023 йилги 255-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
03.01.2024 йилги 2-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
28.11.2024 йилги 333-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган
05.03.2025 йилги 72-п-сонли буйруқ билан ўзгартириш киритилган

Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун ОММАВИЙ ОФЕРТА (ШАРТНОМА)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. “Perfectum” уяли алоқа тармоғининг оператори ҳисобланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган 28.11.2024 йилдаги № 505209-сон Лицензия, 28.11.2024 йилдаги № 505212-сон Лицензия, 28.11.2024 йилдаги № 505218-сон Лицензия, 28.11.2024 йилдаги № 505225-сон Лицензия, 28.11.2024 йилдаги № 505232-сон Лицензия ва Низом асосида ҳаракат қилувчи “RUBICON WIRELESS COMMUNICATION” МЧЖ (қуйида – “Оператор”) ушбу билан мазкур Оммавий офертани акцептловчи шахсга (қуйида – “Абонент”) Оммавий офертанинг 1.5-бандида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни бажариш орқали қуйидаги шартларга мувофиқ кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этади.
- 1.2. Ушбу Оммавий оферта Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича келишувдир. Мазкур Оммавий оферта шартлари телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3275) мос келади.
- 1.3. Оператор томонидан кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматлари Абонентни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида CDMA стандартидаги кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматлари тармоғига улаш ва ашёвий шаклга эга бўлмаган маълум техник операцияларни амалга ошириш орқали тақдим этилади.
- 1.4. Абонент мазкур Оммавий оферта шартларига тўлиқ ва сўзсиз акцептлаган, шу жумладан ўзи танлаган тариф режасига ва қўшимча хизматлар тўпламига асосан алоқа хизматлари учун олдиндан тўлаш мажбуриятини бажарган тақдирдагина Абонентга кўрсатилган алоқа хизматлари тақдим этилади.
- 1.5. Мазкур Оммавий оферта шартларида Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартномани тузишга Абонентнинг акцепти ёки розилиги бўлиб Абонент томонидан қуйидаги ҳаракатларни бажариш ҳисобланади: рўйхатга олиш бланкини имзолаш ва/ёки мазкур Оммавий офертада белгиланган тартибда Операторнинг алоқа хизматларига ҳақ тўлаш. Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартнома Абонент томонидан кўрсатилган ҳаракатлар бажарилган пайтдан эътиборан ёзма равишда тузилган деб ҳисобланади.
- 1.6. **Мазкур Оммавий офертанинг мақсадлари учун қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади:**
Абонент – Оператор билан мазкур Оммавий офертанинг шартларини акцептлаш орқали ушбу Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартномани тузган жисмоний шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор.
Абонент рақами – телекоммуникация тармоғига уланган абонент ускунаси идентификация қилинадиган ва Абонентга бериладиган шахсий рақам ёхуд RUIМ-картаси. Абонент рақами ички тармоқ коди, префикс ва рақамдан иборат.
Абонент ускунаси – тармоққа уланадиган радиоканаллар бўйича ахборотни узатиш ёки қабул қилиш учун электр алоқалар сигналларини ташкил қилувчи техник восита. Абонент ускунаси ва унинг дастурий таъминоти Оператордан Абонент томонидан харид қилинади ва/ёки ижарага олинади ёхуд Абонентнинг хусусий мулки ҳисобланади.
Абонент тўлови – Абонентга уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилганлиги учун Операторнинг тарифларида белгиланган миқдорда ва даврийликда Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидан автоматик равишда чиқариладиган тўлов.
Акцепт – мазкур Оммавий офертанинг 1.5-бандида баён қилинган ҳаракатларни амалга ошириш орқали мазкур Оммавий оферта шартларига асосан ушбу Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартномани тузишга Абонентнинг розилиги.
Аутентификацияловчи маълумотлар – Интернет тармоғида шахсий/мобил кабинетдан фойдалана олиш ва/ёки тегишли хизмат олиш учун ишлатиладиган Абонентнинг ноёб исми (login) ва пароли (password). Абонент ўз аутентификацияловчи маълумотлар сақланиши, шунингдек уларни учинчи шахсларга ўтказишдаги барча оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Дилер (Агент) – мансабдор шахснинг имзоси ва Операторнинг мухри билан тасдиқланган расмий ҳужжат асосида, унга тақдим этилган ваколатларга мувофиқ, рўйхатга олиш бланклари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш, Операторнинг абонентларига ахборот-маълумот ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

Экспресс тўлов картасини фойдалаштириш – Абонентнинг шахсий ҳисоб рақами экспресс тўлов картаси орқали тўлдириладиган тартибот.

Шартнома – Абонент ва Оператор ўртасида тузиладиган ҳамда мазкур Оммавий оферта ва рўйхатга олиш бланкидан иборат ушбу Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартнома.

Тармоқдан фойдалана олиш – Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматларни олиш учун Операторнинг тармоғидан фойдаланиш имконияти.

Тарификация бирлиги – Оператор томонидан танланган тарификация тизимида боғлиқ бўлган телефон суҳбати (уланиш)нинг Абонент томонидан тўланадиган давомийлик бирлиги.

Хизмат кўрсатиш зонаси – лицензия келишувлари асосида Оператор алоқа хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига ва алоқа хизматлар кўрсатиш техник имкониятларига эга бўлган ҳудуд.

Экспресс тўлов картаси – Абонентга алоқа хизматлари тақдим этилиши мумкин бўлган сумма миқдори, амал қилиш даври, серия рақами, махфий коди, ёпиқ химоя қатлами ва бошқа маълумотлар кўрсатилган картон ёки пластик карта.

Контент – СМС ва маълумотлар узатиш хизматлари орқали олинган ахборот ёки кўнгилочар хусусиятига эга матнли ёки мультимедия маълумотлар.

Шахсий ҳисоб рақами – Операторнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимида Абонентнинг алоқа хизматларини олиш учун ҳуқуқлари ҳажми тўғрисида пул эквивалентида ифодаланган ахборотни ўз ичига олган электрон файл.

Оператор – “RUBICON WIRELESS COMMUNICATION” МЧЖ (савдо белгиси “**Perfectum**”).

Расмий WEB-сайти – Операторнинг www.perfectum.uz манзили бўйича Интернет тармоғида жойлашган сайти.

Маълумотларни узатиш – телекоммуникация воситалари орқали бир жойдан иккинчи жойга иккилик сигналлар кўринишда маълумотларни ўтказиш.

Шахсий/мобил кабинет – Абонент томонидан ўз аутентификацияловчи маълумотларни киритиш воситасида шахсий компьютер ва/ёки абонент ускуналаридан фойдалана олиш орқали Абонент томонидан олинган хизматлар ҳажми ва шахсий ҳисоб рақамининг жорий ҳолати ҳақида статистик ахборотдан иборат Операторнинг расмий WEB-сайтидаги электрон бўлими.

Узиб қўйиш чегараси – Оператор Абонентга тақдим этиладиган алоқа хизматлари ҳажмини чеклаш ёхуд уларни тўлиқ тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидаги (балансидаги) пул маблағларининг минимал миқдори.

Қондалар – Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қондалари - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3275.

Фойдалана олишни тақдим этиш – Оператор томонидан Абонент фойдаланиши учун Абонент рақамини ва тармоққа уланишни тақдим этиш бўйича операцияларни бажариш.

Радиотелефон уланишининг давомийлиги – Оператор аппаратураси томонидан чақирилаётган томон жавобини аниқлаш вақтидан томонлардан бири тарафидан радиотелефон уланишнинг узилишини Оператор аппаратураси аниқлаши вақтигача бўлган вақт оралиғининг узунлиги.

Оммавий оферта – кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун мазкур Оммавий оферта. “Оммавий оферта” ва “Шартнома” иборалари бир хил маънога эга.

Радиотелефон уланиши – алоқа хизматлари фойдаланувчиларининг абонент ускунаси ўртасида радиотелефон алоқасини ўрнатиш, уларнинг ҳеч бўлмаса биттаси ахборот алмашинуви имкониятини таъминлайдиган тармоқ Абоненти бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб даври – бир календар ойига (ҳар ойлик абонент тўловида) ёхуд бир календар кунига (ҳар кунги абонент тўловида) тенг бўлган вақт даври, унинг давомида Оператор томонидан алоқа хизматлари тақдим этилади. Ҳар ойлик абонент тўловида ҳисоб-китоб даврининг бошланиши бўлиб календар кунининг биринчи куни, тугаши бўлиб эса охириги куни ҳисобланади. Ҳар кунги абонент тўловида эса – мувофиқ равишда 00:01 соат ва 23:59 соат.

Роуминг (Roaming) – бир Оператор абонентининг бошқа мамлакатда бўлган иккинчи Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида бўлганда унинг тармоғидан фойдалана олишини таъминлайдиган хизмат. Мамлакатлар ва Операторнинг роуминг-шериклари рўйхати қатъий белгиланган амал қилиш санасига актуаллаштирилади ва вақти-вақти билан ўзгариши мумкин. Роуминг-шериклар рўйхати роуминг хизматлари учун тарифлар каби Оператор томонидан расмий WEB-сайтда ва босма ахборот материалларида кўрсатилади.

RUIM-картаси (Removable User Identity Module) – ичига қурилган микросхемали пластик картадан иборат ва CDMA уяли алоқа тармоғида Абонентни идентификациялаш имконини берувчи абонентнинг идентификация модули. RUIM-картаси ташқи кўриниши бўйича Оператор томонидан тасдиқланган намунага мос келиши ва текширувдан ўтказилиши, компаниянинг маълумотлар базасида қайд этилиши керак (RUIM-картаси (А-key)нинг юқори хавфсизлик даражаси тўғрисида ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак).

Тармоқ – ўзида техник воситалар (коммутация ва радио ускуналар, абонент қурилмалари, боғловчи линиялар, иншоотлар ва ҳ.к.) йиғиндисини касб этувчи кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоғи, бу техник воситалар ёрдамида Абонентга уяли радиотелефон алоқа (телефон, маълумотлар узатиш ва б.) хизматлари тақдим этилади. “Тармоқ”, “уяли тармоқ” ва “уяли алоқа тармоғи” атамалари бир хил маънога эга.

СМС (SMS / Short Messaging Service) – қисқа матнли хабарлар хизмати.

Тарификация тизими – алоқа хизматларининг ҳар хил турлари ва тўплами учун алоқа хизматининг нарҳини ҳисоб-китоб қилиш усули.

Тараф – мазкур Шартноманинг бирор бир тарафи, Оператор ёки Абонент.

Тарафлар – мазкур Шартноманинг иккала тарафи, Оператор ва Абонент.

Тариф режаси – муайян хизматлар тўпламига мос келадиган тарифлар рўйхати.

Кўшимча хизмат учун тариф – тариф режасига кирмайдиган алоҳида хизмат учун Оператор томонидан белгиланадиган тариф. Алоҳида тариф бирор бир тариф режаси танланиши билан боғлиқ эмас. Алоҳида тарифлар ёхуд Оператор тарифларида, ёхуд Абонент билан тузилган шартномада, ёхуд Интернетда (Операторнинг расмий WEB-сайтида), ёхуд оммавий ахборот воситаларида кўрсатилади.

Тарифлар – тариф режалар ва Оператор томонидан белгиланадиган кўшимча хизмат учун тарифлар йиғиндиси.

Тармоқдан фойдалана олишни тақдим этиш техник имконияти – ажратилган радиочастотали ресурсни ҳисобга олган ҳолда, абонент сифимининг бўш рақамлари ва/ёки алоқа каналларининг, шу жумладан радиоканалларнинг мавжудлиги.

Алоқа хизматларини тақдим этиш техник имконияти – Операторнинг хизмат кўрсатиш зонасида Абонентга тегишли алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлайдиган алоқа техник воситалари ва иншоотларининг мавжудлиги.

Хизматлар – кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматлари. “Хизматлар”, “алоқа хизматлари” ва “уяли алоқа хизматлари” иборалари бир хил маънога эга.

Фрод – Оператор томонидан тақдим этилаётган хизматлардан тегишли тўловсиз ўрнатилган қоидалар ва тартиботларни бузиш билан фойдаланишга олиб келувчи, худди шунингдек Оператор, Операторнинг абонентлари ва/ёки ўзга учинчи шахсларнинг пул маблағлари ва ахборотини ноқонуний қўлга киритиш чун қартилган Абонентнинг қасдан қилинган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги.

2. ОПЕРАТОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

2.1. Оператор қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.1.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даври ичида Абонентга алоҳида абонент рақамини тақдим этиш ва абонент ускунаси/RUIM-картаси дастурлаштирилишини амалга ошириш. RUIM-картасидан фойдаланиш орқали улашишда/RUIM-картасига қайта дастурлаштирилганда, RUIM-картаси уланган/RUIM-картасига қайта дастурлаштирилган пайтдан эътиборан Абонентга “RUIM” карталари берилади. RUIM-картаси баҳоси RUIM-картасидан фойдаланиш орқали улашиш/RUIM-картасига қайта дастурлаштириш қийматига ҳисоблаб ёзилади.

2.1.2. Абонентнинг абонент ускунасини/ RUIM-картасини тармоққа улаш ва Абонент тармоқнинг хизмат кўрсатиш зонаси доирасида бўлганида, амалдаги стандартлар ва техник меъёрлар талабларига мувофиқ унга уяли алоқа хизматларини кўрсатиш.

2.1.3. Абонентни хизмат кўрсатиш зонаси чегаралари билан таништириш ва уни ушбу чегаралар ўзгаришлари тўғрисида мунтазам хабардор этиш.

2.1.4. Абонентга Оператор томонидан тақдим этилаётган уяли алоқа хизматлари тўғрисида, уяли алоқа тармоғининг хизмат кўрсатиш зонаси тўғрисида, уяли алоқа хизматлари учун тарифлар тўғрисида, Абонентнинг шахсий ҳисоб рақами ҳолати тўғрисида, бепул кўрсатиладиган ахборот-маълумот хизматлари тўғрисида, Оператор (унинг филиаллари) реквизитлари (жойлашган манзиллари) ва иш режимлари тўғрисида, абонент қурилмасидан уяли алоқа тармоқларида фойдаланиш ва Абонентдан техник носозликлар, RUIM-картаси ёки абонент қурилмаси йўқотилганлиги, Абонентнинг шахсий маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида ахборотларни қабул қилиш имкониятлари тўғрисида бепул маслаҳатлар берилишини таъминлаш.

2.1.5. Абонентга Қоидалар ва Операторнинг амалдаги тарифларига мувофиқ хизматлар учун ҳисобларни тақдим этиш.

2.1.6. Ҳисоб-китоб даври тугаганидан сўнг 5 (беш) календар куни ичида Абонент томонидан рўйхатга олиш бланкининг 4-бандида кўрсатилган манзил ва усул бўйича Абонентга тақдим этилган алоқа хизматлари учун ҳисобларни етказиб бериш. Етказиб бериш манзили бўйича етказиб берилган ҳисобларнинг Абонент томонидан олинмаганлиги ёки кечикиб олиши Абонентни Оператор хизматлари учун ўз вақтида тўловдан озод қилмайди.

2.1.7. Абонент томонидан мазкур Оммавий офертанинг 3.1.8-банди талаблари бузилганлиги учун Оператор жавобгар бўлмайди.

2.1.8. Оператор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

2.2. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Уяли алоқа хизматлари учун тарифларни мустақил белгилаш.

2.2.2. Амалдаги тарифларга, хизматлар учун тўлов шартлари ва муддатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Операторнинг расмий WEB-сайтига тегишли ахборот жойлаштириш орқали ёки SMS-хабарлар орқали ёки оммавий ахборот воситалари орқали ёки ўзга тарзда, агар киритилаётган ўзгартиришлар Абонент ҳолатини яхшиласа, қайд этилган ўзгартиришлар жорий қилинганга қадар энг камида 1 (бир) кун олдин, агар киритилаётган ўзгартиришлар Абонент ҳолатини оғирлаштиради, қайд этилган ўзгартиришлар жорий қилинганга қадар энг камида 15 (ўн беш) кун олдин Абонентни хабардор қилиб, уларга бир томонлама тартибда ўзгартиришлар киритиш. Бу ҳолда Абонент томонидан Оммавий офертанинг 10.4-бандида назарда тутилган ўз ҳуқуқларидан фойдаланмаслик, Операторнинг янги тарифлари, хизматлар учун тўлов шартлари ва муддатлари билан розилигини билдиради.

2.2.3. Кўшимча хабардор қилмасдан Абонентнинг абонент рақамини тармоқдан узиб қўйиш ва унга хизмат кўрсатишни тўхтатиш:

2.2.3.1. агар бундан олдин Абонентнинг илтимоси бўйича вақтинчалик узиб қўйиш амалга оширилган ва Абонентнинг ҳисобида амалдаги тарифларга асосан “Рақам сақланган ҳолда вақтинчалик узиб қўйиш” хизматлари тўлови учун етарли миқдорда пул маблағлари қолмаган бўлса.

2.2.3.2. агар Абонент ҳисобида “Рақамни сақлаш” хизматини тўлаш учун етарли миқдорда маблағ бўлмаса. Хизмат рақам ўчирилган кундан бошлаб (“Қарз учун ўчирилган” ҳолатига ўтган) 2 (икки) ой ўтгач автоматик

равишда барча абонентлар учун фаоллаштирилади, бундан юридик шахслар (шу жумладан корпоратив абонентлар) бундан мустасно “Қарз учун ўчирилган” ҳолати ижобий баланси билан. Агар абонент ҳисобида “Рақамни сақлаш” хизмати учун тўлов маблағи етарли бўлмаса, хизмат автоматик равишда ўчирилади ва шартнома “Рақамни сақлаш” хизмати учун ҳисобдан чиқариш содир бўлган кундан кейинги кунни Компаниянинг ташаббуси билан бекор қилинади.

2.2.4. Абонент томонидан фойдаланилаётган хизматлар ҳажмига боғлиқ ҳолда олдиндан тўлов ёки бадаллар миқдорини ўзгартириш. Абонент ўзгартирилган тўловлар ёки бадалларни тўлашдан бош торган тақдирда, Оператор Абонентга тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини тўловга мутаносиб равишда чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

2.2.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Оммавий офертани чақириб олиш, Операторнинг расмий WEB-сайтига тегишли ахборот жойлаштириш, SMS-хабарлар юбориш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ёки Оператор учун мақбул бўлган ўзга усуллар орқали Абонентни хабардор қилган ҳолда Оммавий оферта (Шартнома) шартларига ўзгартиришлар киритиш. Кўрсатилган ахборот жойлаштирилган санадан эътиборан 10 кун ичида Оператор Абонентнинг бундай ўзгаришларни қабул қилишдан тўлиқ ёки қисман бош тортиши тўғрисида ёзма билдирги олмаган тақдирда, Оммавий офертага (Шартномага) ўзгартиришлар Абонент томонидан сўзсиз қабул қилинган деб ҳисобланади.

2.2.6. Абонент томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилган тақдирда, тармоқда абонент ускунаси/RUIM-картасидан фойдалана олишни тўхтатиб қўйиш. Бузилишлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, Оператор тарифлари бўйича абонент ускунасидан/RUIM-картасидан фойдалана олишга такроран рухсат бериш. Бунда Абонентга олдинги абонент рақами сақланиб қолишига кафолат берилмайди.

2.2.7. Агар мавжуд бўлган абонент рақамларида тўланмаган қарздорлик бўлса, Оператор Шартнома бўйича рақамларга қўшимча уланишни амалга оширмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

2.2.8. Ҳисоб-китоб даврининг биринчи санасида абонент тўловини ҳисоблаш натижасида қарздорлик пайдо бўлганлиги сабабли календар ойнинг биринчи санасида абонент рақами ўчирилган шarti билан, Оператор Абонентнинг ёзма аризасига асосан ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунни тариф режасини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда ҳисобланган абонент тўлови янги танланган тариф режасига асосан қайта ҳисобланади.

2.2.9. Шахсий маълумотларни қайта ишлашни қўйидаги ҳолларда учинчи шахсга топшириш:

- шахсий маълумотлар субъектининг ёзма розилиги, шу жумладан белгиланган тартибда имзоланган электрон ҳужжат шаклида белгиланган розилиги бўлса;
- агар қарор орагатор (шахсий маълумотлар эгаси) ва субъект ўртасидаги келишувга ёки илгари тузилган шартнома бажаришга мувофиқ қабул қилинган бўлса;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига назарда тутилган ҳолларда, шахсий маълумотлари учирини шахсига утказиш белгиланган номлар ва талабларга риоя қилиш учун мажбурий булган ҳоллар.

2.2.10. Оператор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

3. АБОНЕНТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Абонент қўйидаги мажбуриятларни олади:

3.1.1. Қоидалар ва Операторнинг амалдаги тарифларига мувофиқ, Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақни тақдим этилган ҳисобларга асосан ўз вақтида тўлаш.

3.1.2. Хизматлар учун нақдсиз шаклдаги тўловда банк тўлов ҳужжатларда тўлов мақсади, рўйхатга олиш бланк рақами, ҳисоб рақами, ҳисоб-китоб даврларини кўрсатиш.

3.1.3. Манзил, банк ёки ўзга реквизитларнинг барча ўзгаришлари ҳақида Операторга 3 (уч) банк кунни ичида ёзма равишда хабар бериш. Бунда ўзгартиришлар ҳақида хабарнома Абонент томонидан Операторнинг тегишли тасдиқлови олинганидан сўнг Операторга етказилган деб ҳисобланади. Абонент томонидан кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда, Абонент Операторга жарима тўлаш кунига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридан жарима тўлайди, шунингдек Абонентнинг янги манзили, банк реквизитлари ва бошқа реквизитларини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплайди. Оператор томонидан унга Абонентнинг охириги маълум манзили бўйича юборилган барча ҳисоблар ва/ёки хабарномалар (талаблар) лозим даражада юборилган деб ҳисобланади, бунда ҳеч қандай талаблар, улар олинмаган тақдирда, Оператор томонидан қабул қилинмайди.

3.1.4. Уяли алоқа хизматларини учинчи шахсларга бермаслик (ихтиёрига ўтказмаслик). Абонент томонидан ушбу банд талаблари бузилган тақдирда, Оператор Абонент томонидан бундай қоида бузилиши тўғрисида хабардор бўлган пайтдан эътиборан зудлик билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.1.5. Учинчи шахсларнинг Абонент томонидан учинчи шахсларга ўтказилган аабонент ускунаси/RUIM-картасидан фойдаланиш ёки фойдаланишнинг имконияти йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай зарарлар ёки шикастланишлар тўғрисидаги барча даъволаридан Операторни сақлаш. Учинчи шахслар томонидан абонент ускунасида (RUIM-картасидан) фойдаланиш Абонентни Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.1.6. Абонентнинг абонент ускунаси/RUIM-картаси йўқотилганда, ўғирлатилганда ёки Абонентда абонент ускунаси/RUIM-картаси мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатларда, Абонент унга хизмат кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида Операторни дарҳол ёзма равишда хабардор қилади. Оператор бу тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган тақдирда, Оператор томонидан Абонентнинг тегишли ёзма равишдаги аризаси олингунига қадар Абонентнинг абонент ускунаси/RUIM-картаси учинчи шахслар томонидан ишлатилиши мумкинлиги билан боғлиқ Операторнинг хизматлари учун тўлов бўйича барча мажбуриятларни олади.

3.1.7. Мазкур Шартнома бекор қилинишида, кўрсатилган хизматлар учун Оператор билан яқуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Оператор қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга, агар бундай ундириб олиш бўлса.

3.1.8. Абонент томонидан тақдим этилган алоқа хизматларидан ва/ёки ҳар қандай қўшимча хизматлардан фойдаланиш ижтимоий, маънавий ва ахлоқий тамойилларга мос келиши керак, ҳамда конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зўравонлик, шафқатсизлик, диний ва миллий адоват, инсоннинг шаъни ва кадр-қийматини камситиш, порнография, шунингдек Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ҳар қандай ахборотни тарғиб қилувчи хабарлар ёхуд ахборотдан иборат бўлмаслиги керак.

3.1.9. Мазкур Шартномани ижро этиш мақсадида, Операторнинг сўровномасига биноан Абонент (унинг вакили) унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.1.10. Абонент ҳисоб-китоб даври тугагунига қадар мазкур Шартномани бекор қилиши ёки Шартнома бўйича хизматлар тақдим этилишини вақтинча тўхтатиб туриш истаги тўғрисида Операторни олдиндан хабардор қилиши керак. Акс ҳолда Абонент ҳисоб-китоб даври учун ҳисобланган барча тўловларни тўлаб бериши керак.

3.1.11. Абонент фродли ҳаракатлар деб баҳоланадиган ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

3.1.12. Абонент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3.2. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Шартномада назарда тутилган амалдаги тарифларга, хизматлар тавсифларига ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга, шунингдек Оператор томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматларга мувофиқ уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш.

3.2.2. Оператордан Шартнома билан белгиланган мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш.

3.2.3. Операторнинг ахборот-маълумот хизматидан фойдаланиш.

3.2.4. Оператор томонидан белгиланган тартибда ва шартларда барча турдаги хизматлар бўйича барча амалга оширилган уланишлар санаси ва вақти, уларнинг давомийлиги ва абонент рақамлари кўрсатилган ҳолда ҳисоб тафсилотини олиш.

3.2.5. Шартнома талаблари ва шартларига риоя қилинганда, шунингдек муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони ва ҳ.к.) амал қилувчи махсус кўрсатмалар ва қоидалар ҳамда эҳтимолий тўсиқлар ёки хавфли вазият юзага келган ҳолатлардаги чекланишлар (тиббиёт муассасаларида, ёнилғи сақлаш ва қайта юклаш ҳудудларида, портлатиш ишлари ўтказиладиган жойларда ва ҳ.к.) ҳисобга олинган ҳолда, ҳар қандай абонент қурilmасидан фойдаланиш. Оператор кўрсатилган чекловлар ва талаблар ҳақида Абонентни хабардор қилишга мажбур эмас.

3.2.6. Шошилинч оператив хизматларни чақиритишда, шунингдек Шартномада назарда тутилган ҳолатларда уяли алоқа хизматларидан бепул фойдаланиш.

3.2.7. Унга унинг розилигисиз кўрсатилган хизматлар учун тўловни рад этиш.

3.2.8. Оператор томонидан кўрсатилаётган хизматларга тааллуқли таклифлар ва талаблар билан Операторга мурожаат қилиш.

3.2.9. Шартнома бўйича алоқа хизматлар кўрсатилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Операторга ёзма равишдаги ариза билан мурожаат қилиш.

3.2.10. Ўз вакилига (ишончли шахсига) қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида унинг номидан юридик ва амалдаги ҳаракатларни амалга ошириши учун ваколат бериш.

3.2.11. Абонент Операторнинг амалдаги тарифларига мувофиқ қўшимча тўлов эвазига ўз абонент рақамини ўзгартиришга ҳақли, агар Оператор бунинг учун техник имкониятларга эга бўлса.

3.2.12. Рўйхатга олиш бланкининг 4-бандини расмийлаштиришда Абонент мазкур Шартноманинг 2.1.6-бандига биноан хизматлар учун ҳисобларни етказиб бериш бўйича истагини баён қилиш ҳуқуқига эга. Ўзга ҳолда, Абонент ҳисоб-китоб даври туганидан ва/ёки Оператордан тегишли хабарнома олинганидан сўнг кечи билан 5 (беш) банк куни ичида Операторнинг офисларида (филиалларида) ҳисобларни олиш мажбуриятини олади. Абонент томонидан ушбу бандда кўрсатилган муддатда ҳисоблар тўланмаган тақдирда, Оператор Абонентни қўшимча хабардор қилмасдан абонент рақамларни тармоқдан узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

3.2.13. Шахсий/мобил кабинети орқали статистик ахборотга кириш имкониятига эга бўлиш, шунингдек он-лайн режимда ўз ҳисоб маълумотларининг оператив назоратини ва/ёки масофали бошқаришни амалга ошириш, шунингдек тақдим этилаётган хизматлар ҳажми ва тўпламини ўзгартириш, Шартноманинг 11.5-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Шахсий мобил кабинетда амалга оширилган ҳар қайси ўзгартиришлар Абонент Операторга ёзма равишдаги ариза билан шахсан мурожаат қилинган каби Абонент томонидан ёзма шаклда амалга оширилган ҳаракатларга тенглаштирилади.

3.2.14. Абонент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

4. ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 4.1.** Абонент томонидан танланган барча хизматлар, тариф режалари ва уланиш турлари рўйхатга олиш бланкида кўрсатилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд пул шаклида ва/ёки нақд пулсиз шаклида, шунингдек абонент рақами фаоллаштирилганидан сўнг экспресс тўлов картаси орқали тўланиши мумкин.
- 4.2.** Мазкур Шартномада назарда тутилган хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов Операторнинг таифларига биноан Абонент томонидан олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади.
- 4.3.** Тақдим этиладиган хизматлар учун Оператор тарифлари Шартнома тузишда ва алоқа хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китоблар учун мажбурий ҳисобланади.
- 4.4.** Абонент тўлови Абонент томонидан амалга оширилган сўзлашувлар сони ва давомийлигидан қатъий назар, унинг томонидан танланган тариф режасига мувофиқ тўланади ва Шартнома бекор қилинган ёки абонент рақами тармоқдан узиб қўйилган ҳолатлардагина ҳисоблашдан тўхтатилади (Операторнинг амалдаги

тарифларига асосан). Абонент рақами тармоқдан узиб қўйилган пайтга қадар ҳисобланган абонент тўлови Абонент томонидан мажбурий тартибда тўланиши лозим.

- 4.5.** Ҳисоб-китоб даври учун ҳар ойлик абонент тўлови Абонент томонидан ҳисоб-китоб даврининг биринчи санасига қадар аванс тўлови билан 100% олдиндан тўлов шаклида тўланиши керак ва Абонент томонидан ҳисоб-китоб даврида кўрсатилган хизматлардан амалда фойдаланганликдан қатъий назар, Оператор томонидан ҳисобдан чиқарилади. Ҳисоб-китоб даврида давомида абонент рақами фаолаштирилганда, ушбу ой учун абонент тўлови абонент рақами фаолаштирилган пайтдан эътиборан ой охиригача қолган кунлар сонига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади.
- 4.6.** Ҳисоб-китоб даври учун ҳар кунлик абонент тўлови Абонент томонидан ҳисоб-китоб даври бошланғунига қадар тўланиши лозим.
- 4.7.** Оператор Абонентга алоқа хизмаларини фақат олдиндан тўлаш шартида тақдим этади. Абонент томонидан танланган тариф режасига мувофиқ олдиндан тўлов келиб тушмаган ёхуд ўчириб қўйиш чегарасига етган ёки Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаган тақдирда, Оператор абонент рақамини тармоқдан узиб қўйишга ва қўшимча хабар бермасдан унга хизмат кўрсатилишини тўхтатишга ҳақли. Абонентда бир неча рақамлар мавжуд бўлганида, ушбу қоида ҳар бир абонент рақамига алоҳида қўлланилади. Бунда абонент рақами сақланишига кафолат берилмайди. Абонент рақамини фаолаштириш (“Фаол” мақомига ўтказиш) учун Абонент мавжуд бўлган бутун қарздорликни тўлаши ва амалдаги тарифларга биноан фаолаштириш чегарасидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни киритиши керак.
- 4.8.** Абонентнинг аризасига асосан алоҳида тўлов эвазига (Операторнинг тарифлари бўйича) Абонентга тегишли бўлган ҳар бир абонент рақами бўйича Компанияга ёзма мурожаат қилинган пайтдан бошлаб кечи билан охириги 24 (йигирма тўрт) ой учун амалга оширилган кириш/чиқиш кунгироклар, жўнатишган/қабул қиланган sms-хабарлар, трафик бўйича маълумотларнинг батафсил чоп этишлари тақдим этилиши мумкин. Юқорида кўрсатилган маълумотлар паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат кўрсатилганда Абонентга шахсан тақдим этилади.
- 4.9.** Тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.
- 4.10.** Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ мазкур Шартнома бўйича Абонентнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун Оператор томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича Абонентнинг мажбуриятлари бажарилиши учун Оператор олдида тўлиқ жавоб бериш мажбуриятини олувчи учинчи шахслар билан кафилик шартномалари тузилиши мумкин. Бундай кафилик шартномалари мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланиб, тарафлар томонидан бажарилишга мажбур.
- 4.11.** Шартнома бўйича уланган абонент рақамлари сонидан қатъий назар, Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамига тўлов келиб тушганда пул маблағлари биринчи навбатда Абонентнинг умуман бутун Шартнома бўйича қарздорлигини қоплашга йўналтирилади (алоҳида рақамлар бўйича эмас). Қарздорлик қопланганидан сўнг қолган сумма Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида жамғарилади.
- 4.12.** Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида мавжуд бўлган пул мамлағлари ҳисобдан чиқарилади ва Абонент танлаган тариф режаларига биноан хизматларга ҳақ тўлаш учун, шунингдек умуман бутун Шартнома бўйича амалда кўрсатилган алоқа хизматлари учун йўналтирилади.
- 4.13.** Ҳисоб-китоб даври тугаганидан сўнг Оператор Ўзбекистон Республикасида нақдсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга мувофиқ пул маблағларни акцепт тартибида ҳисобдан чиқариш учун Абонентнинг ҳисоб рақамига тўлов талабномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга.

5. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАР

- 5.1.** Оператор форс-мажор деб эътироф қилинган, яъни енгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар ҳисобланган вазиятлар сабабли мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Умумқабул қилинган вазиятларга қўшимча равишда, Тарафлар қуйидагиларни форс-мажор вазиятлар деб ҳисоблашга келишиб олдилар: Ҳукуматнинг ёки давлат органлари ва ташкилотларининг Операторнинг уяли алоқа хизматларини кўрсатиш, монтаж қилиш жараёни, синовлар, техник хизматлар кўрсатишни амалга ошириш имкониятларини чеклайдиган ёки бундай имкониятлардан маҳрум қиладиган, шунингдек хизматлар учун тўловлар тартиби ва шаклига таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ҳаракатлари. Операторнинг жавобгарлиги, агар бундай жавобгарлик Оператор томонидан ўз шартномавий мажбуриятлари бузилиши оқибатида, шу жумладан ҳар қандай хатолик, камчилик, нуқсон, ишдаги узилиш ёки ускунанинг ишламай қолиши сабабли юзага келган бўлса, Абонент томонидан Операторнинг хизматлари учун ўртача ойлик тўлов суммасига тенг суммадан юқори бўлмаслиги лозим.

6. ШАРТНОМАНИНГ АЛОҲИДА ШАРТЛАРИ

- 6.1** Операторнинг абонент базасини кенгайтириш учун йўналтирилган бирор бир маркетинг тадбирлари амал қилиш даври учун белгиланадиган уяли тармоққа уланиш шартлари бозор вазиятига қараб ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.
- 6.2** Уланиш вақтида чегирмалар, бонуслар, мукофотлар ва/ёки имтиёзлар олган Абонент мазкур Шартномада кўрсатилмаган, алоҳида тузиладиган шартнома билан белгиланадиган барча қўшимча шартларга риоя қилиш мажбуриятини олади.
- 6.3** Мазкур Оммавий офертанинг 6.2-банди талаблари бузилган тақдирда, Абонент чегирмалар, бонуслар, мукофотлар ва/ёки имтиёзлардан маҳрум қилинади ва унга тақдим этилган имтиёзлар учун Операторнинг харажатларини қоплаб бериши шарт.
- 6.4** Оператор қуйидаги ҳолатларда Абонентга Шартнома тузишни рад этиш ҳуқуқига эга:
- 1) Оператор тармоғидан фойдалана олишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;
 - 2) Абонент томонидан талаб қилинаётган уяли алоқа тармоғи хизматларини кўрсатишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;

- 3) Операторда муайян Абонентнинг Оператор томонидан илгари кўрсатилган алоқа хизматлари учун қарздорлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда;
 - 4) Операторда бошқа Абонент томонидан йўқотилган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига ва мазкур Оммавий Оферта шартларига мувофиқ бўлмаган абонент ускунаси/RUIM-картаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда.
- 6.5** RUIM-картасидан фойдаланган ҳолда уланганда/RUIM-картасига қайта дастурланганда олинган RUIM-картасининг нуқсонлари ёхуд носозликлари аниқланган тақдирда, RUIM-картасини алмаштириш учун кафолат муддати “RUIM” хизматини кўрсатиш кунидан RUIM-картасидан фойдаланган ҳолда уланган/RUIM-картасига қайта дастурланган пайтдан эътиборан 10 кунни ташкил этади.
- 6.6** Абонент Оператор томонидан ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлашдан хабардор ва рози.

7. МАХФИЙЛИК

- 7.1.** Оператор ходимларига, улар томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши сабабли маълум бўлган Абонентлар тўғрисидаги маълумотлар махфий ахборот ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳимоя қилинади. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат: Абонентнинг фамилияси, исми, отасининг исми; Абонентнинг манзили ёки абонент ускунаси/RUIM-картаси ўрнатилган манзил, тахаллус, абонент рақамлари, чиқувчи ва/ёки кирувчи кўнғироқлар ва/ёки СМС/хабарлар тўғрисида ахборот, шунингдек Абонентни ва унинг абонент ускунаси/RUIM-картасини бир хил идентификациялаш имконини берадиган бошқа маълумотлар. Кўрсатилган маълумотлар тўғрисида ахборот фақат Абонентга ва унинг қонуний вакилларига берилиши мумкин. Тарафлар мазкур Шартнома тўғрисидаги ҳар қандай ахборотни бошқа Тарафнинг ёзма розилигисиз, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзга назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, учинчи шахсларга бермаслик мажбуриятини оладилар.
- 7.2.** Абонент тўғрисида махфий ахборот Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 201-моддасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилиши мумкин.

8. АБОНЕНТНИНГ ОПЕРАТОРГА ТАЛАБЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 8.1.** Алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Абонент Операторга талаб билан мурожаат қилиши мумкин.
- 8.2.** Талаб ёзма кўринишда тақдим этилади ва Оператор томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади лозим.
- 8.3.** Алоқа хизматлари кўрсатилмаганлиги, ўз вақтида кўрсатилмаганлиги ёки сифатсиз кўрсатилганлиги билан боғлиқ талаблар бундай хизмат кўрсатилган санадан эътиборан 3 (уч) ой ичида қабул қилинади.
- 8.4.** Тақдим этилган ҳисоб билан норози бўлган тақдирда, Абонент уни қабул қилган кундан эътиборан 3 (уч) календар кун ичида ёки уни тўлаган пайтдан эътиборан 20 (йигирма) календар кун ичида Операторга асосланган талаб билан мурожаат қилиши мумкин. Кўрсатилган муддатлар тугаганидан сўнг тақдим этилган ва/ёки тўланган ҳисоблар бўйича талаблар Оператор томонидан қабул қилинмайди.
- 8.5.** Талабларга ёзма равишдаги жавоблар мазкур Оммавий офертанинг 8.2-бандига биноан Оператор томонидан талаб рўйхатга олинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида берилиши керак.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 9.1.** Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.
- 9.2.** Шартнома бўйича тўлов муддатлари бузилган тақдирда, Абонент Операторга қарздорлик пайдо бўлган санадан эътиборан ҳар бир кечиктирилган тўлов кунини учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5% миқдорда жарима (пеня) тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда.
- 9.3.** Оператор Абонентнинг билвосита зарарлари ва бой берилган фойдаси учун жавобгар бўлмайди.
- 9.4.** Абонентнинг буюртмасига кўра Операторнинг тармоғи орқали учинчи шахсларга юбориладиган контент тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, унинг мазмуни ва сифати учун жавобгар бўлмайди.
- 9.5.** Оператор уяли алоқа хизматларини кўрсатиб бўлмаслиги учун жавобгар бўлмайди, агар бу Абонент томонидан абонент ускунаси/RUIM-картасидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ бўлса. Абонент томонидан абонент ускунаси/RUIM-картаси ва аксессуарлардан нотўғри фойдаланиш сабабли содир бўлган бузилишларни бартараф этиш бўйича барча моддий харажатлар Абонентга юкланади.
- 9.6.** Оператор Абонент томонидан абонент ускунаси ва/ёки мобил/шахсий кабинет орқали берилган командалар учун, шунингдек Абонент томонидан абонент ускунасида бажарилган созлашлар (шу жумладан завод созлашлари) тўғрилиги учун жавобгар бўлмайди. Бунда Шартнома бўйича Абонентга унинг командалари бўйича ҳамда абонент ускунаси унга белгиланган созлашларга (завод созлашларга) мувофиқ ишлаш режимида тақдим этилган барча хизматлар ҳолатлари учун фақат Абонент жавобгар бўлади. Абонент унинг номига расмийлаштирилган барча абонент рақамлари, жумладан улар ноқонуний равишда ишлатилгани учун Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.
- 9.7.** Алоқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча низо ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришилмаган келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси суд органларида кўриб чиқилиши лозим. Оператор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тақдим этилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни Абонентдан ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

10. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ (ТУГАТИЛИШИ) ШАРТЛАРИ

- 10.1.** Мазкур Шартнома Оператор томонидан Абонентдан акцепт олинган пайтдан эътиборан кучга киради ва Тарафлар томонидан Шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этиш тугаган ёки у бекор қилинган (тугаган) пайтгача амал қилади.
- 10.2.** Амалдаги тарифларга мувофиқ барча назарда тутилган бошлангич тўловлар Абонентдан Операторнинг ҳисобига келиб тушганидан сўнг Оператор алоқа хизматлар кўрсатишни бошлайди.
- 10.3.** Шартнома ҳар қайси Тарафнинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.
- 10.4.** Абонент Шартнома бўйича тақдим этилган хизматлар учун олдиндан барча ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда, Операторга ёзма шаклда мурожаат этиб, хизматлардан воз кечиши ва мазкур Шартномани бекор қилиши мумкин. Бунда, Абонентнинг илгари киритилган тўловлари Оператор томонидан Абонентнинг тўланмаган ҳисобларни (агар улар бўлса) қоплаш учун ишлатилади. Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида қолган маблағлар (агар улар бўлса), Шартноманинг 11.1-бандида белгиланган тартибда Абонентга қайтарилиши лозим.
- 10.5.** Мазкур Шартнома шартлари Абонент томонидан бузилган тақдирда, Операторга бундай бузилиш маълум бўлган пайтдан эътиборан, Оператор мазкур Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.
- 10.6.** Шартнома олдиндан огоҳлантиришсиз бекор қилинади, Абонентга рақамнинг нархи қайтарилмайди (қопланмайди), абонент рақами Операторга қайтарилади агар:
- 10.6.1.** агар абонент ускунаси/RUIM-картаси тармоқдан узилган пайтидан 2 (икки) ой ичида Абонент томонидан абонент рақами фаоллаштирилмаса (“Актив” ҳолатига ўтказилмаган бўлса),
- 10.6.2.** агар Абонент ҳисобида ушбу ОММАВИЙ ОФЕРТАДА (ШАРТНОМАДА) кўрсатилган “Рақамни сақлаш” хизматига тўлаш учун етарли миқдорда маблағ бўлмаса.
- 10.7.** Мазкур Шартнома Абонент ўлган тақирда, Операторда тегишли тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида тугатилади.
- 10.8.** Тарафлар томонидан мажбуриятларни бажарилиши мумкин бўлмаслигига олиб келадиган давлат органининг ҳужжати қабул қилинган тақдирда, мазкур Шартнома бекор қилиниши лозим.
- 10.9.** Шартномани бекор қилиш (тугатиш) Шартномада ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.
- 10.10.** Шартнома бекор қилинганда абонент ускунасини улаш (RUIM-картасидан фойдаланган ҳолда/RUIM-картасига қайта дастурлаш) учун, шунингдек Абонент томонидан сотиб олинган, лекин фаоллаштирилмаган экспрес-тўлов карталари учун тўлов Абонентга қайтарилмайди. Абонентнинг эгаллигида бўлган ускуна Оператор томонидан сотиб олинмайди.

11. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

- 11.1.** Шартнома бекор қилинганда Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида қолган маблағлар тарафлар томонидан тегишли таққослаш далолатномаси имзоланган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) банк куни ичида Абонентнинг ёзма аризасига асосан Абонентга қайтарилиши лозим. Пул маблағларини қайтариш миллий валютада Оператор томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Бунда, ҳисобланган абонент тўлови ва абонент ускунасини тармоққа улаш учун тўлов, шунингдек RUIM-картасидан фойдаланган ҳолда улаш/RUIM-картасига қайта дастурлаш учун тўлов Абонентга қайтарилмайди. Шартнома бекор қилинганда абонент рақамлари сақланиши Оператор томонидан кафолатланмайди. Шартноманинг бекор қилиниши тарафларни Шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод қилмайди.
- 11.2.** Абонент унга кўрсатилаётган уяли радиотелефон алоқаси, радиотўлқинларнинг табиий тарқалиш шарт-шароитларига кўра, бинолар яқинида ва ичида, туннелларда, ертўлаларда, метрода, шунингдек маҳаллий ҳудуднинг ер юзаси рельефи, ноқулай метеорологик шарт-шароитлар ва бошқа сабаблар туфайли ёмонлашиши, узилиб қолиши ёки шовқинлар билан бирга кечиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилинган ва розилик билдирган. Шунингдек, Абонент унга кўрсатилаётган маълумотлар узатиш бўйича хизматлар, шу жумладан CDMA уяли тармоғининг ўзига хос тузилишига кўра Интернет тармоғидан фойдалана олиш, овозли радио каналлардан алоҳида ва овозли радио каналларга нисбатан иккиламчи ҳисобланган, фақат муайян радио шароитларда, хусусан: абонент қурилмаси юқори тезликка эга радио каналларнинг турғун қабул қилинишини таъминлайдиган (очиқ бўшлиқлар, катта деразаларга ва ингичка деворларга эга биноларда ва ҳ.к.) зонада бўлган вақтда ажратиладиган юқори тезликка эга радио каналлар бўйича кўрсатилаётганлиги тўғрисида хабардор қилинган ва розилик билдирган. Шу сабабли маълумотлар узатиш учун юқори тезликка эга радио каналлар билан қопланган зона овоз узатиш учун радио каналлар билан қопланган зонага мос келмаслиги мумкин. Абонент кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва хизмат кўрсатиш зонасининг чегаралари тўғрисида хабардор қилинган ва розилик билдирган.
- 11.3.** Абонентга тақдим этилаётган радиотелефон алоқаси, ўзига хос тузилишига кўра, Оператор ваколатларидан ташқарида бўлган маҳаллий узатма телефон линиялари операторларининг ускуналари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларининг ускуналари сифатига боғлиқ бўлади.
- 11.4.** Оператор тармоғига битта Абонентнинг бир неча абонент рақамлари уланиши мумкин. Бу ҳолда тарафларнинг Шартнома билан белгиланган мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳар бир абонент рақами учун ҳақиқийдир.
- 11.5.** Абонент томонидан танланган тариф режасини алмаштириш ва/ёки қўшимча хизматлар тўпламини ўзгартириш Абонент ёки унинг вакилининг ёзма равишдаги аризаси бўйича ёхуд Абонент томонидан мазкур Шартноманинг 3.2.13-бандига мувофиқ шахсий/мобил кабинетда тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилади. Бунда абонент рақами ва/ёки абонент ускунасини алмаштириш фақат Абонент ёки унинг вакили шахсан ташриф буюрганда ёзма аризаси бўйича амалга оширилади. Аризалар Операторнинг офисларида ва дилерлик пунктларида қабул қилинади.

- 11.6.** Мазкур Шартномани бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқадиган барча хабарномалар, билдиришлар тарафлар томонидан бир бирига Шартномада (рўйхатга олиш бланкида) кўрсатилган корреспонденцияни етказиб бериш манзиллари бўйича юборилиши керак.
- 11.7.** Мазкур Оммавий оферта рус тилида тузилган ва ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур Оммавий офертанинг бирор бир қоидаси талқин қилинишига нисбатан низо юзага келган тақдирда, рус тилидаги матн устувор кучга эга бўлади.